

## АГРАР ТАРМОҚНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

**А.И.Усмонов**

*талаба*

**Н.А.Ашурметова**

*и.ф.н., доцент - илмий раҳбар Тошкент давлат аграр университети*

Ҳозирги вақтда кўпгина хорижий мамлакатлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг инновацион йўлини танлаганлар, шу боисдан мазкур мамлакатларнинг давлат сиёсатида бош масала янгиликларни рўёбга чиқариш учун қулай иқтисодий, моддий – техник, ташкилий, ҳуқуқий ва ахлоқий шарт-шароитларни яратиш орқали мамлакатда «инновацион мухитни» шакллантириш ва сақлаб туришга қаратилган қонунчилик ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотлар ва ишланмаларнинг ташкилий тузилмаси борасида икки ҳолат кузатилмоқда: биринчидан, бу француз модели бўлиб, тадқиқот ва технологиялар бўйича фақат битта вазирлик ва битта бюджет мавжуд; иккинчидан, бу америка модели бўлиб, у тадқиқотлар соҳасидаги сиёсатни белгиловчи қатор департаментларнинг мавжудлигидир.

АҚШнинг қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ва қишлоқ хўжалиги фанининг ривожини тартибга соладиган қонун чиқарувчи орган конгресс ҳисобланади, қишлоқ хўжалигига тегишли энг муҳим қонунлар у орқали ўтади.

Канадада қишлоқ хўжалигини, жумладан ИТТКИ соҳасини бошқарув органлари федерал даражада жамланган. Уларнинг консултатив органларидан бири - Канаданинг Илмий кенгаши ҳисобланиб, унинг ҳузурида Канада қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари кенгаши (САРС) ташкил қилинган, у қишлоқ хўжалиги бўйича барча тадқиқотларни дастурлаштириш, мақсадларни белгилаш, мувофиқлаштириш ва молиялаштиришни кўшиб олиб беради.

Бошқа мамлакатларда, хусусан Буюк Британияда ижро этувчи органлар орасида етакчи ўринни Маориф ва фан вазирлиги эгаллаган.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида ИТТКИни ривожлантириш учун мазкур вазирлик тизимида тадқиқот кенгашларининг консултатив бошқармаси алоҳида аҳамиятга эга.

АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимининг илмий бўлинмаларида қишлоқ хўжалиги тадқиқотларини бошқаришни ташкил этиш бўйича тажрибаси аҳамиятлидир. Етакчи ўрин қишлоқ хўжалиги тадқиқоти хизмати (ССР)га тегишлидир. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг иккинчи таркибий тузилмаси Штатларда тадқиқотларнинг бирлашган хизмати (ОСИШ) саналади, унинг асосий

функцияси - маҳаллий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва жойларда ўтказилаётган қишлоқ хўжалиги тажриба станциялари (СХОСШ)га мослигини баҳолашдир.

АҚШда илмий – техник сиёсатни амалга ошириш яхши ривожланган бўлиб, у институционал тузилмага асосланган. Илмий – техник тараққиётни бошқаришнинг америкача тузилмаси давлат ва хусусий бизнеснинг узвий боғлиқлигидадир. Давлат ва хусусий манбалар томонидан молиялаштириладиган барча аралаш ташкилотларнинг солиштирма ҳиссаси аҳамиятли даражада каттадир. Улар орасида саноат тадқиқотлари миллий маркази, Миллий фанлар академияси, Миллий техник академия ва Америка Фан ривожига кўмаклашувчи ассоциацияси мавжуд

Давлат ва хусусий институтларнинг ИТТКИ соҳасидаги алоқалари инновацион механизмнинг муҳим белгисидир. Йирик корхоналарнинг манфаатларини ифодаловчи сифатида хусусий компаниялар давлат органларига бизнес учун самарали бўлган чора-тадбирлар тўғрисида ва бизнесга давлатнинг иқтисодий сиёсати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этган ҳолда акс алоқани амалга оширадilar. Бундай ташкилотлар мамлакатнинг илмий-техника тараққиётини давлат томонидан бошқаришнинг замонавий моделини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Сўнгги ўн йилликда АҚШнинг иқтисодий “кашфиёти”ни венчур бизнес деб аташ мумкин. Янги ғояларни излаб топиш, уларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва “стартли” ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган майда ва ўрта фирмаларнинг гуркираб ўсиши америкача инновацион жараённинг ўзига хос хусусиятига айланган. АҚШнинг давлат органлари венчур фирмаларнинг фаолият юритиши ва венчур капиталининг ягона миллий бозорининг вужудга келиши учун қулай солиқ ва кредит шароитларини яратишга кўмаклашади.

Япониянинг илмий-техник ривожланишини замонавий концепцияси асослари Япония ҳукумати томонидан иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки йилларда яратилган. Айнан шу даврда миллий иқтисодиёт ривожининг узок муддатли прогнозлари тузилган, ИТТКИнинг устувор тармоқ ва соҳалари аниқланган.

Японияда илмий-техник тараққиётни давлат томонидан бошқаришнинг иерархик тизими чўққисида премьер министр бошқарадиган фан ишлари бўйича Кенгаш туради. Унинг таркибига қатор вазирликларнинг раҳбарлари ҳамда йирик хусусий саноат корпорацияларининг вакиллари киради. Фан ишлари бўйича Кенгаш мамлакатнинг илмий-техник тараққиётини стратегик чизиғини таърифлайди ва давлат бюджетидан ИТТКИга харажатлар миқдорини белгилайди.

Фан-техника тараққиётини (ФТТ) 70-80-йилларда давлат томонидан тартибга солишнинг Японча модели куйидаги муҳим тамойилларга асосланган:

- мамлакатни илмий-техник ривожлантиришнинг узок муддатли дастури мавжудлиги;
- фан-техника сиёсатини амалга оширишда йирик корпорацияларга таяниш;
- амалий тадқиқот ва ишланмаларни устуворлиги бўйича рағбатлантириш;
- хориждан лицензияларни сотиб олишни рағбатлантириш.

Инновацион жараёнининг самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи муҳим йўналиши ахборотлаштиришдир. Барча ривожланган мамлакатларда консалтинг ва инжиниринг фирмалари ишлаб турибди, улар ҳам тижорат шарти билан, ҳам давлат молиялаштирилиши ҳисобидан фаолият кўрсатади.

Сўнги ўн йилликда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда илмий-инновацион фаолиятга ихтисослашган алоҳида тадбиркорлик тури фаол ривожланмоқда, бунда майда инновацион бизнеснинг энг аҳамиятли гуруҳлари ажратиб кўрсатилган, булар фан-техника янгиликларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва уни тижорат усулида сотиш учун венчур (яъни таҳлика билан боғлиқ) капитал ссудалари ҳисобидан ихтирочилар яратаётган майда жорий этиш фирмалари; ҳукумат идораларининг шартномалари бўйича университетлар, саноат корпорациялари, фойда келтирмайдиган тадқиқот институтлари; ғоялар (ихтиролар) билан индивидуал ҳолда чиқадиган ижодий гуруҳлар ёки лойиҳа бригадалари билан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича мақсадли дастурларни бажаришда ёндош (кўшимча) натижа ҳисобланадиган фан-техника ютуқларини сотишни ташкиллаштирувчи майда фирмалар; ИТТКИнинг мақсадли дастурларига хизмат қилувчи майда фирмалардир.

Шу сабабли давлат сиёсатининг ушбу соҳасида фан-техника янгиликларини генерациялаш ва тижоратлаштириш билан шуғулланадиган янги фирмаларни вужудга келтириш ва ривожлантириш учун ўзига хос “инновацион муҳит”ни яратиш устувор ҳисобланади. Бунда давлатнинг асосий саъй-ҳаракатлари кичик инновацион харажатларнинг бошланғич ва “бошланғичдан олдинги” даврларига йўналтирилади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда инновацион тадбиркорликни фаоллаштиришни рағбатлантирувчи дастурларнинг бутун бир тизими амал қилмоқда.

АҚШда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги шундай дастурни амалга ошириш доирасида вазирликнинг талабларини бажарувчи илмий-техника натижаларини тижоратлаштириш шартларини бажарувчи кичик корхоналар учун қишлоқ хўжалик биотехнологиялари соҳасида ИТТКИ лойиҳаларини молиялаштиради.

Германияда илмий тадқиқотларга ва илмий-техник ходимларни тайёрлашга дотацияларнинг амалга оширилиши қонунчилик билан мустаҳкамлаб қўйилган. Майда фирмаларнинг давлат ва хусусий илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлигини кўллаб-қувватловчи кооперацион инновацион лойиҳаларни рағбатлантирувчи Дастур қабул қилинган.

Шуни таъкидлаш жоизки, инновацион ривожланишни рағбатлантиришнинг муҳим механизми имтиёзли кредитлаш тизими ҳисобланади. Масалан, Италияда технологик янгиликлар Фонди 15 йил муддатга имтиёзли кредитлар бериш ҳуқуқига эга, бунда сумманинг 80% дастурни амалга ошириш мобайнида ва 20% уни тугаллаш босқичида берилади.

Инновацион ривожланишни молиявий тартибга солиш тизимининг элементларидан бири қарзларнинг давлат томонидан суғурталаш ҳисобланади.

АҚШда масалан, кичик бизнес ишлари бўйича Маъмурият кичик корхоналарга тижорат банклари берадиган ссудаларнинг 90%ни кафолатлайди. Германия ва Буюк Британияда кредитларни суғурталаш тизими мавжуд бўлиб, у 15 йилдан 23 йилгача бўлган даврда хусусий банкларга буюртма қийматининг 80%ни қайтарилишини кафолатлайди.

Сўнги йилларда барча мамлакатларда инновацион циклнинг ҳамма босқичларида имтиёзли солиққа тортиш ва жадаллашган амортизация каби кичик инновацион бизнесни қўллаб-қувватлаш усули тарқалган бўлиб, у солиқ тўловлари миқдорини қисқартириш имконини беради, чунки фойданинг бир қисми харажатларга кетади. Японияда масалан, жадаллаштирилган амортизация ускунанинг дастлабки қийматининг 14%ни ташкил қилади.

Кўпчилик хорижий мамлакатларда АСМни инновацион ривожлантириш тажрибаси яққол кўринадиган минтақавий таркибий қисмга эга, илгари этироф этилганидек, АҚШда ҳар бир штат илмий ташкилотларни сақлаб туриш учун молиявий маблағ ажратади, бу минтақанинг инновацион соҳаси ривожига кўмаклашади. Канадада минтақа ривожланиш Кенгашларини яратиш тажрибаси алоҳида қизиқиш уйғотади, унда каттагина табиий-иқлим ва ижтимоий-иқтисодий тафовутлар мавжуд. Канадада инновациялар соҳасида давлат бошқаруви бошқа ривожланган мамлакатларга нисбатан каттароқ роль ўйнайди. Канаданинг минтақавий ривожланиш Кенгашлари (қишлоқ жойлардаги тадқиқот кенгашлари) асосий масала сифатида саноатга ёрдам кўрсатиш ҳисобидан ўз провинциясини ривожлантиришни кўзда тутди. Уларнинг фаолияти, аввало, ўз тадқиқот бўлимларига эга бўлмаган майда ва ўрта хусусий фирмаларга (инновацияларни тарқатишда ёрдам кўрсатиш, самарали технологияларни давлат секторидан хусусий секторга ўтказиш, маслаҳат ёрдамини кўрсатиш)га мўлжалланган.

Қишлоқ жойлардаги тадқиқот кенгашлари уларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш билан шуғулланади ва фан-техника соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Японияда фан-техника тараққиётини таъминлаш, фан сиғими юқори бўлган “юксак” технологияларни рағбатлантириш бўйича ҳукуматнинг чора-тадбирлари орасида минтақавий ривожланиш дастурлари кенг ўрин олган. Ундай дастурлардан бири “технополис” дастуридир. Япониянинг қишлоқ ҳудудларини иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури бўлгани ҳолда у бир вақтнинг ўзида нафақат уларнинг илмий-техника салоҳиятини ўстиришга, балки бутун мамлакат миқёсида ФТТни тезлаштиришга кўмаклашади. Илмий-техника салоҳиятини иқтисодиётни таркибий қайта куриш ва интенсивлаштиришнинг энг аҳамиятли омилларидан бири деб ҳисоблаган ҳолда Япония ҳукумати ва компаниялари умумиқтисодий ва минтақавий стратегиянинг энг муҳим жиҳатига айлантди. Ушбу ғояларнинг моҳияти шундаки, минтақавий ривожланишга, ФТТни янада тезлаштиришга ва фан сиғими юқори бўлган тармоқларни ривожлантиришга

устунлик беришга кўмаклашиш мақсадида ихтисослашган фан-техника шахарчалари-технополислар яратилган бўлиб, уларда илмий-тадқиқот фаолиятининг фан сифими юқори бўлган ишлаб чиқариш билан узвий бирлашиши учун қулай шароитлар таъминланган.

Инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг хорижий тажрибасини умумлаштириш шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатларнинг давлат фан-техника сиёсати икки муҳим мақсадни-аниқ ҳудудларнинг манфаатлари учун минтақавий фанни сақлаб қолиш ва ўзгартириш ҳамда амалий тадқиқотларни устувор молиялаштиришни кўзда тутди. Ушбу мамлакатларнинг давлат сиёсатида муҳими мамлакатда “инновацион муҳит”ни яратиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчилик ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш; минтақавий даражада инновацион ривожланишни қўллаб-қувватловчи инфратузилманинг яратишнинг хусусиятлари, биринчи галда уни минтақанинг турли тармоқларига йўналтириш, ривожлантиришнинг устуворликлари, фирмаларни бир-бири билан тўлдириш, ҳудуднинг у ёки бу устунликларини максимал даражада тадқиқ этишдан иборат. Ривожланган мамлакатларнинг мутлақ кўпчилигида инновацион жараёнинг юқори самарадорлигини кўзда тутадиган минтақавий ривожланишнинг махсус дастурлари ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда, чунки инновацион фаолиятнинг муваффақиятли ривожланиши АСМ соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими билан боғлиқ. Айни вақтда инновацион ривожланишни рағбатлантирувчи муҳим механизмлар қуйидагилардир: имтиёзли кредитлаш тизими, қарзларнинг давлат томонидан суғурталаниши, жадаллаштирилган амортизация, инновацион циклнинг барча босқичларида имтиёзли солиққа тортиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Ашурметова Н.А. Механизм внедрения инновационных технологий в сельском хозяйстве. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, 2018 йил. [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
3. Крылов Э.И., Власова В.М., Журавкова И.В. Анализ эффективности инвестиционной и инновационной деятельности предприятия: Учебное пособие. – 2-е перераб. и допол. – М.: Финансы и статистика, 2013. – 608 с.
4. Новиков В.М. Организационно-экономический механизм инновационного развития сельского хозяйства. //Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Воронеж – 2013.

5. Рустамова И.Б. Қишлоқ хўжалигида билимларни тарқатиш тизимини ривожлантиришнинг Корея тажрибаси. Журнал. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” №3 2018. <http://www.iqtisodiyot.uz/>

6. Хушматов Н.С, Рустамова И.Б, Саидов М.Х, , Ашурметова Н.А,Галимова Ф.Р,Турсунов Ш.А. Жўраев Ф.М, Нурбекова Р.А. Қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялардан фойдаланишни иқтисодий баҳолашнинг методологик асослари. Қўлланма - ТошДАУ Таҳририят-нашриёт бўлими. 2019, 87 бет.